


Қишлоқ, ўрмон ва балиқ хўжалиги

2017 йилнинг январь-сентябрида ишлаб чиқарилган (кўрсатилган хизматлар) умумий ҳажми 2180,2 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг шу даврига нисбатан 105,6 фоизни, шу жумладан, деҳқончилик ва чорвачилик, овчилик ва бу соҳаларда кўрсатилган хизматлар ҳажми 2142,2 млрд. сўмни (105,6 фоиз), ўрмончилик хўжаликларида 2,7 млрд. сўмни (104,0 фоиз), балиқчилик хўжаликларида 14,2 млрд. сўмни (108,5 фоиз) ташкил қилди.

Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ишлаб чиқариш ҳажмининг хўжаликлар тоифалари бўйича тақсимланиши қуйидагича ифодаланади:

умумий ҳажмга нисбатан фоиз ҳисобида



Деҳқончилик. Дастлабки маълумотларга кўра, барча тоифадаги хўжаликларда жорий йилнинг январь-сентябрь ойлари ҳосили учун экилган қишлоқ хўжалик экинларининг умумий майдони 100988 гектарни ташкил қилиб, бошоқли дон 49812 гектар, картошка 2019 гектар, сабзавот 4920 гектар, полиз экинлари 1414 гектар майдонни ташкил қилди.

Ҳосил йиғими. 2017 йил январь-сентябрь ойларида барча тоифадаги хўжаликлар томонидан 186774 тонна сабзавот (ўтган йилнинг шу даврига нисбатан 11,3 фоизга кўп), 60918 тонна картошка (7,0 фоизга кўп), 48879 полиз (7,5 фоизга кўп), мева ва резаворлар 70831 тонна (4,2 фоизга кўп), узум 61981 тонна (0,6 фоизга кўп) етиштирилди.

Чорвачилик. 2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига ўтган йилнинг шу даврига нисбатан йирик шохли қорамоллар 7,3 фоизга (жами 435,4 минг бошни ташкил қилди), шу жумладан сигирлар 5,0 фоизга (183,1 минг бош), қўй ва эчкилар 0,1 фоизга (1975,1 минг бош), отлар 0,2 фоизга (16451 бош), паррандалар 5,3 фоизга (2,2 млн. бош) кўпайди.

2017 йил 1 октябрь ҳолатига чорва моллари ва паррандалар бош сони қуйидагича

	минг бош	ўсиш суръати, %
Йирик шохли корамол	435,4	107,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	24,9	104,2
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	401,5	107,3
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	9,0	118,4
улардан сигирлар	183,1	105,0
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	9,1	103,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	172,4	105,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	1,6	100,0
Қўй ва эчкилар	1975,1	100,1
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	217,0	145,4
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1277,3	119,6
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	480,8	63,6
Отлар (бош)	16451	100,2
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	1597	176,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	10034	106,2
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	4820	79,5

	минг бош	ўсиш суръати, %
Паррандалар	2162,6	105,3
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	237,3	92,7
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	1485,1	106,0
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	440,2	111,3

Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликларида йирик шохли қорамолларнинг улуши 92,2 фоизни, фермер хўжаликларида эса 5,7 фоизни, шу жумладан, сигирлар мос равишда 94,2 ва 5,0 фоизни, қўй ва эчкилар 64,7 ва 11,0 фоизни, отлар 61,0 ва 9,7 фоизни, паррандалар 68,7 ва 11,0 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг январь-сентябрда барча тоифадаги хўжаликларда тирик вазн ҳисобида 110,4 минг тонна гўшт (2017 йилнинг январь-сентябрга нисбатан 6,5 фоизга кўп), қарийиб 317,0 минг тонна сут (6,5 фоизга кўп), 244,8 млн. дона тухум (7,6 фоизга кўп) ишлаб чиқарилди.

2017 йил январь-сентябрь ойларида ишлаб чиқарилган чорвачилик маҳсулотлари қуйидагича:


	миқдори	ўсиш суръати, %
Гўшт (тирик вазнда), минг тн.	110,4	106,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	2,6	105,9
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	99,1	106,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	8,7	106,6
Сут, минг тн.	317,0	106,5
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	12,0	106,5
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	302,2	106,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	2,8	105,5

	миқдори	ўсиш суръати, %
Тухум, млн. дона	244,8	107,6
шу жумладан:		
Фермер хўжаликлари	32,3	100,1
Дехқон (аҳолининг шахсий ёрдамчи) хўжаликлари	169,2	108,5
Қишлоқ хўжалиги фаолиятини амалга оширувчи ташкилотлар	43,3	110,2

Барча ҳудудларда чорвачилик маҳсулотлари (гўшт, сут, тухум) ишлаб чиқаришнинг ўсиши асосан деҳқон ва фермер хўжаликлари ҳисобига бўлиб, гўшт ишлаб чиқариш умумий ҳажмида уларнинг улуши 92,1 фоизни, сут ишлаб чиқаришда 99,1 фоизни, тухум ишлаб чиқаришда 82,3 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига чорвачилик маҳсулотлари ишлаб чиқариш таркиби қуйидагича ифодаланади:

ишлаб чиқариш умумий ҳажмига нисбатан фоиз ҳисобида



Фермер хўжаликлари. 2017 йилнинг январь-сентябрида фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажми 383,0 млрд. сўмни ёки 2016 йилнинг тегишли даврига нисбатан 100,4 фоизни ташкил қилди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари умумий ҳажмида фермер хўжаликларининг улуши 17,9 фоизни ташкил этди.

2017 йилнинг 1 октябрь ҳолатига фермер хўжаликларида 24,9 минг бош йирик шохли қорамол, шу жумладан 9,1 минг бош сигир, 217,0 минг бош қўй ва эчкилар, 1597 бош от, 237,3 минг бош паррандалар мавжуд.

2017 йил январь-сентябрь ҳолатига фермер хўжаликлари томонидан ишлаб чиқарилган асосий турдаги кишлок хўжалик маҳсулотлари қуйидагича ифодаланади:

	2016 йил январь-сентябрь		2017 йил январь-сентябрь		2016 январь- сентябрга нисбатан фоиз ҳисобида
	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	тонна	ишлаб чиқариш умумий ҳажмидаги улуши, фоиз	
Жами дон	203337	74,1	204240	74,4	100,4
Пахта	71615	99,3	68268	99,7	95,3
Картошка	5320	9,3	5525	9,1	103,9
Сабзавот	30564	18,2	33996	18,2	111,2
Мевалар ва резаворлар	26158	38,5	27811	39,3	106,3
Узум	24360	40,0	24512	40,0	100,6
Полиз	18464	40,6	19187	39,3	103,9
Гўшт, тирик вазнда	2495	2,4	2642	2,4	105,9
Сут	11250	3,8	11986	3,8	106,5
Тухум, минг дона	32325	14,2	32344	13,2	100,1
Қирқиб олинган жун	255	6,8	308	8,9	120,8
Қорақўл тери, дона	12282	5,2	12551	5,3	102,2
Олинган асал	7,0	1,0	18,4	2,5	262,9
Овланган балиқ	958,5	22,4	610,4	14,1	63,7
Пилла хом-ашё	962,19	95,5	626,56	95,8	65,1